



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 25 МАРТ, СЕШАНБА


Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (12.620)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Яқин кунларда мамлакатимизда Президентимиз Исроил Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ аънавий ҳудудий, сўнгра тармоқлар саноат ярмаркаси бўлиб ўтади.

## КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ



товарлар ҳажми ўтган 2013 йилда 14,4 фоизни ташкил қилди. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламининг кенгайиши бу борада муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Ўтган йили маҳаллийлаштириш дастури асосида 455 корхонада 1140 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Натижада 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдорда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Хар йили ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа саноат кооперациясини самарали ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, ҳамкорлар топиш, юртимиз ишлаб чиқарув

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланиб бормоқда. Бундай самараларга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, юксак технологияга асосланган юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш, ташқи бозорда иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар муҳим омил бўлмоқда.

Бунди 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоиз ошганида ҳам кўриш мумкин. Машинасозлик, металлга ишлов бериш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати каби муҳим тармоқлар, айниқса, жадал ривожланмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилаётир. Нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардошлиги ортиб бораётган бундай

чилари ўртасида мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотларни, жумладан, экспортга етказиб бериш бўйича шартномалар тузишга кўмаклашишдан иборат.

Бундай комплекс ёндашув туфайли аънавага кўра икки босқичда ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа иштирокчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2013 йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркаларида 3 мингдан зиёд корхона қатнашган эди. Уларнинг 1,8 мингдан ортиғи халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаради. Ушунда иштирокчилар стандартлари қарийб 16 минг турдаги маҳсулот намойиш этилди. Биринчи босқичда саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича қиймати 446,4 миллиард сўмлик ҳўжалик шартномалари имзоланди. Унинг 22,2 фоизи истеъмол товарлари етказиб бериш бўйича шартнома бўлса, экспорт шартномалари қиймати 224,9 миллион долларни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

## ДИПЛОМАТЛАР ҚУТЛОВИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтган Наврўз байрами тантаналарининг чет эллик иштирокчилари — хорижий мамлакатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари «Жаҳон» АА мухбирлари билан суҳбат чоғида ўз таассуротларини бажонидил ўртоқлашганлари баробарида, баҳор айёми муносабати билан мамлакатимиз халқига қутловларини ҳам изҳор этдилар.

Жорж Эдгар, Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси:

— Энг қадимий байрамлардан бири, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам нишонланадиган Наврўз айёмида иккинчи мартаба иштирок этмоқдаман. У энг эзгу урф-одат ва аънаваларни мужассамлаштиргани баробарида, қувончу шодликни, яхшилик ва раҳмдиллик, яратувчанлик ва тарихга нисбатан ҳурматни ҳам ўзида акс эттиради. Наврўз чинакамига умумхалқ байрами сифатида барча миллат ва элатларни жипслаштиради, бу эса Ўзбекистоннинг катта муваффақиятидир.

Республика раҳбариятининг ёшларни дўстлик, бағрикенглик ва бири бирини ўзаро тўғри тушуниш сингарини энг яхши аънавалар руҳида тарбиялашга қаратилган ташаббусларини кўлаб-қувватлайман.

Стефан Приснер, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:

— Ўзбек халқининг ушбу гузал миллий байрами — Наврўз муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирнинг ажойиб тарзда ташкил этилганини кўриш менга мамнуният бағишлайди.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон иқтисодий соҳада, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда улкан чўққиларни забт этди. Бошқа йўналишларда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Муҳими, Ўзбекистонда барча соҳаларда ислохотлар муваффақиятли амалга оширилмоқдаки, бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига тўла мос келади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва БМТ ўртасида узок муддатли ва яқин ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Мамлакатда БМТ тузилмаларининг 7 та ваколатхонаси очилган бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилмоқда. БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ўзаро ишончга асосланган хусусият касб этади.

Наврўз халқ байрами ҳисобланади. Мен ушбу байрамни орзиқиб кутдим, чунки у ажойиб мамлакатингизнинг бирлиги ва ранг-баранглигини ўзида мужассам этади. Ўзбекистонда турли маданият вакиллари истиқомат қилишади. Наврўз уларнинг барчаси учун байрамдир.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида хайрия тадбири ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, кўмита фаоллари, Республика Байналмилал маданият маркази ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Чирчиқ шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган бир гуруҳ аскарларнинг тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

• Қарши давлат университетининг 1500 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур даргоҳда барча қулайликлар яратилган, ҳар бири 100 ўринли 4 та маърузалар зали, бир неча ўқув ва лаборатория хоналари, кутубхона ва тиббиёт пункти бор.

• Хонқа туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Никоҳ маросимларини қайд этиш зали, «Оила дорилфунуни», ҳужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган. «Ноиб мармар» қурилиш хусусий корхонаси томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларига 531 миллион сўм маблағ сарфланди.

## ЖАҲОНДА

• Смартфонлар бозоридаги кучли рақобат Канаданинг шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «BlackBerry» компаниясини оғир иқтисодий вазиятга тушириб қўйди. Хусусан, у кўрган зарар биргина ўтган йилнинг учинчи чорагида 4,4 миллиард АҚШ долларига етган. Манбада компаниянинг бу даврдан кейинги молиявий аҳволи ҳақида маълумотлар йўқ.

• Угандада 96 нафар йўловчинини олиб кетаётган кема ҳалокатга учради. Оқибатда ўн тўққиз киши ҳалок бўлган. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида 43 нафар йўловчининг ҳаёти сақлаб қолинган. Аммо яна 34 кишининг тақдири ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

• АҚШнинг Вашингтон штатида юз берган ер кўчишлари натижасида ўн саккиз киши бедарак йўқолди. Бу ҳақда «KTLA» телеканали хабар тарқатди. Тан жароҳати олган уч нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Кўчкилар тинимсиз ёмғир ёғиши туфайли келиб чиққан.

## ЎЗ ОЛДИГА ЮКСАК МАРРАЛАР ҚЎЙГАН ЁШЛАР

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишда мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилади. Уларга ўзининг меҳри ва ишончини билдириб, ҳар томонлама баркамол, фидойи ва ватанпарвар бўлишга ундайди.

Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Юртбошимиз ёшлар масаласига яна бир бор эътибор қаратиб, «...Ўзларини, ўз кадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз», дея таъкидлади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин атиги икки

Президентимиз Исроил Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

ой ўтиб, 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган.

Ушар пайтда кўлаб иқтисодий-ижтимоий муаммолар мавжудлигига қарамай, бу масалага биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Мустақиллик йилларида туғилиб, камолга етган ёшлар етакчи куч бўлиб ҳаётга кириб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва йигирмадан ортиқ қонунда ёшлар масаласи ўз ифодасини топади.

Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда. Хар йилга муайян ном берилиши муносабати билан қабул қилинаётган давлат дас-

турлари самарасида ёшларнинг ҳаётий муҳим масалалари ҳал этилмоқда. Ўз сафларида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Нихол» мукофоти, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси ва бошқа стипендиялар иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришда муҳим омил

бўлмоқда. Ёш спортчиларни камолга етказиш мақсадида «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг нафақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, балки маънавий тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар миллий ўғилларимиз, бой маънавий қадриятларимиз асосида тарбияланаётир.

...Яқинда интернетда шундай маълумотга дуч келдим: бугун Европада хар икки никоҳдан биттаси беқор бўлаётган экан. Бунинг сабаби ёшлар ўртасидаги ахлоқсизлик, уларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, масъулият ва қийинчиликларга чидамсизлиги экани қайд этилган. Атиги ўн йил илгари ушбу кўрсаткич хар учтадан бирига тўғри келгани ҳисобга олинса, бу жараён қанчалик тезлашиб бораётгани яққол намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Соғлом бола

йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Музейларнинг маънавий ҳаётдаги ўрни» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **26-27 МАРТ** кунлари Олма-

зор туманидаги Хидир ота гузаридида «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида «Қадрият, урф-одат, аънава ёшлар» фестивали ўтказилди.



# ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

## ЎЗ ОЛДИГА ЮКСАК МАРРАЛАР ҚЎЙГАН ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ ва Европа мамлакатларида рўй берган жинсий эркинликни тарғиб қилишга қаратилган "инқилоб" одамларнинг турмуш тарзини, маънавий-маданий қадриятларини кескин ўзгартириб юборди. Ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик, тийқисизлик оддий ҳолга айланди. Қайф сафо, енгил-елпи ҳаётга ўрганган ёшлар ўқиш, ишлаш, фарзанд тарбиялашга ортқича ташвиш, деб қарайдиган бўлди.

Бу иллатлар таъсирида бугунги кунда кўплаб тараққий этган давлатларда оила институтини емирилиб бораётгани сир эмас. Туғилиш даражаси йилдан йилга камайиб, меҳнатга лаёқатли кишилар билан аҳолининг бошқа қатламлари ўртасида жуда катта тафовут пайдо бўлмоқда. Бу пенсия таъминоти, солиқ сиёсати, эмиграция оқими билан боғлиқ бир талай ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқараётди.

Жаҳон ёшлари орасида яна бир муаммо ишсизликдир. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотида кўра, ёшлар ўртасида ишсизлик йилдан йилга кўпайиб бораётди. Европадаги айрим мамлакатларда ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 60 фоизга етган.

Бугун жаҳонда кузатилаётган бундай ҳавотирли ҳолатлар қўлида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати нақадар тўғри ва асосли эканлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим тизими изчил ривожлантирилиб, ёшларининг замонавий асосда билим олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ёшлар ўрта махсус таълим тизимида, коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

2013 йилда касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортқ битирувчиси иш билан таъминланди. Ўз хусусий бизнесини очиб, шу соҳа билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 мил-

лиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ёшларнинг маиший шарт-шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони мустақил ҳаётга қадам қўётган ёшларга катта мадад бўлмоқда. Ҳар йили ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига миллиард-миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, янги уйлар фойдаланишга топширилмоқда. Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшлар турар жой билан таъминланиб, уларнинг оила қуриб, ҳаётда ўз йўлини топишга катта қўмак берилаётди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар оилалар, жумладан, ёшларнинг турмуш шароитини, дунёқарашини ўзгартирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, иш-хотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, уларни ижтимоий ғимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича кенг қўламли вазифалар белгиланган. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орзу-интилоқларини рўёбга чиқаради.

Йиллар ўтгани, жамият ривожлангани сари ёшлар ҳам ўзгариб бораверди. Доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар жамиятнинг ишончи ва таянчига айланади.

Ўзбекистон ана шундай мустақам таянчга эга мамлакат. Унинг барча бойликлари-дан-да қадриқдор ҳазинаси — юксак маънавиятли ва салоҳиятли ёшлари ҳамда уларни менинг фарзандларим деб эъзозлайдиган, мунтазам ғамхўрлик қиладиган Президенти бор.

Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

## ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШДИ

**Қадриятларимизни жамлаб, аъёнларимизни улуғлаб, яхшилик, эзгулик, хайр-барока, саховат ва меҳр-мурувват каби энг олий туйғуларни ўзида мужассамлаштириб, ён-атрофга кўклар ифторларини таратиб кириб келган Наврўз байрами кишилар қалбига бир олам шодлик ва бахтиёрлик улашмоқда.**

Юнусобод туманидаги машинасозлик касб-хунар коллежида бўлиб ўтган «Балли ёшлар» беллашуви ҳам Наврўзи олам байрами муносабати билан уюштирилди.

Тадбир Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари Юнусобод туман бўлимида ҳамда шаҳар ўрта махсус, таълим бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Беллашувада таништирув, виллоятларнинг миллий урф-одатларини тарғиб этувчи саҳна кўринишлари, миллий либослар намоиши ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан парчалар ижро этиш каби шартлар бажарилди. Шартлар 10 баллик тизим асосида баҳолаб борилади.

— Энг қадимий ва ҳамиша нақирон, нафосат, гўзаллик, янгиланиш, яшариш байрами бўлиши Наврўз айёминини нишонлаш мамлакатимизнинг эзгу аъёнасига айланиб қолган, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Мазкур тадбир ҳам Ўзбекиона қадриятларимизни қадрлаш, миллийлигимизга эҳтиром билан қараш каби эзгу ғояларни ёшлар қалбига синдиришга хизмат қилади.

Беллашувада тумандаги 12 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларининг ўқувчилари иштирок этди. Улар ўзбек либосларининг жозибдор дизайни, халқона қўшиқлар ва рақсларнинг миллийлигини ўзига хос такорланмас жиҳатлари билан бритаб беришга муваффақ бўлдилар.

Ҳақамлар ҳайъати иштирокчиларнинг дунёқарашини, фикрлаш доираси ва эътиборини жалб қила олиш хусусиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Тошкент туризм касб-хунар коллежи ўқувчилари Фаргона, Тошкент Ирригация ва мелiorация, Тошкент Педиятрия-тиббий институт қошидаги академик лицейлар Хоразм ва Қашқадарь, Юнусобод дизайн ҳамда машинасозлик касб-хунар коллежлари ёшлари Самарқанд, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей жамоаси Бухоро, радиотехника ва Тошкент иқтисодий коллежлари эса Тошкент ва Сурхондарь, Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқувчилари Андижон виллоятининг урф-одатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар.

Беллашув доирасида маданият ва спорт ишлари туман бўлими хонанда ва созандалари ихросида дилрабо куй ва қўшиқлар янгради.

Тадбир баҳор нафасини, гўзал Наврўз шодиёнасини, ёшларнинг шижоат ва зукколигини ўзида жамлаб, барча иштирокчиларга ва таширф буюрган меҳмонларга ажиб бир ҳуш кайфият улашди.

Гульчера ДУРДИЕВА

## ДИПЛОМАТЛАР ҚЎТЛОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёрқин ранглар ҳамда турли миллатлар ўртасидаги аъёнларнинг уйғунлиги билан тўла, баҳорий уйғониш тимсоли — Наврўз Ўзбекистоннинг тинчлик ва озоишталлиқни мустаҳкамлашга қўшаётган салмоқли ҳиссасини ҳам ўзида акс эттиради. Бу БМТ ва бугун халқаро ҳамжамият учун яхши намуна бўлиши мумкин. Бу БМТ ва барча мамлакатларга нисбатан мурожаатдир. Дунёда бундай натижаларни намоён эттаётган давлатлар кўп эмас.

Ушбу аjoyиб байрам муносабати билан мамлакатимизга ва халқимизга бахт-саодат ва гўллаб-яшнаш ёр бўлишини, Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янада мустаҳкамланишини тилайман. Наврўз байрами муборак бўлсин!

**Владимир Тюрденев, Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Биз бугун ҳаёт янгиланиши ва янги йил кириб келиши рамзи, баҳор айёми — Наврўз байрамининг нишонланишига бағишланган аjoyиб тантананинг иштирокчиси бўлиб турибмиз. Наврўз бағрикенглик, халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик тантанасидир. Кўпгина мамлакатларда нишонланадиган ушбу байрам ЮНЕСКО Инсоният номодий маданий меросининг рўйхатига киритилган. Бу байрамнинг халқаро мақомга эга бўлишида Ўзбекистоннинг хизмати каттадир.

Мамлакат раҳбариятининг ташаббуси билан жорий йил Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Бу жуда муҳим ташаббусдир. Чунки ҳаммаси бола тарбиясидан бошланади, болалар эса — бизнинг келажагимиз. Шу боис, сабр-тоқат, дўстлиқни севиш сингари қадриятларни болаларга ёшлигиданоқ синдириш, уларнинг инсонпарвар ва ўз давлати учун мустақам таянч бўла оладиган кишилар сифатида вояга етишларига қўмаклашиш, дегандир.

**Мухаммад Саид ибн Мухаммад ал-Лавати, Умон Султонлигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Фурсатдан фойдаланаб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини ушбу аjoyиб баҳор байрами билан чил қалбимдан қў-

лайман. Бундан-да тараққий топиш ва гўллаб-яшнаш, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш тилақларини изхор этаман.

Наврўзнинг нишонланиши Ўзбекистон маданий ҳаётидаги ёрқин воқеа бўлди. Ушбу байрам муносабати билан ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти уфуриб турадиган бугунги сингари тантаналарда учинчи бор иштирок этмоқдаман. Ранг-баранг байрам дастури, миллий фольклор ҳамда ўзбек санъат усталарининг гўзал миллий либослари менда унутилмас таассурот қолдирди.

Шуни қайд этишим жоизки, мамлакатимиз бағрикенглигининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Юртимизда ўзаро тинчлик-оқошталликда, аҳилликда яшаётган ва меҳнат қилаётган юздан зиёд миллат ҳамда элатлар вақиллари Ўзбекистонни ўз Ватани ҳисоблашади.

**Абдул Азиз ибн Хорун, Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Баҳор даракчиси — Наврўз байрамининг нишонланиши аъёнаси кўча ил-дилларга ва кўп йиллик тарихга эга. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон раҳбарияти бу гўзал аъёнани қайта тиклади. Наврўз ҳар йили нафақат Тошкентда, балки республиканинг барча ҳудудларида нишонланади.

Мен Наврўз нафақат табиат уйғониши ва баҳор келишининг, шу билан бирга, тинчлик ва озоишталлик, бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, халқ бирдамлиги ҳамда келажаққа бўлган ишончининг рамзи ҳамдир, деган фикрга қўшиламан. Дунёнинг айрим мамлакатларида уруш ва низолар давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизлик ҳужумрон, иқтисодий ўсиш таъминланаяпти. Бугунги байрам тантаналари бунга яққол намоён этмоқда.

2014 йил Ўзбекистонда «Соғлом бола йили», деб эълон қилингани нуктаи назаридан олиб қаралса, Наврўзи оламнинг нишонланиши алоҳида мазмун касб этади. Мен бунга тўғри ташаббус, деб ҳисоблайман. Чунки болалар ҳар қандай мамлакатнинг келажагидир. Қайси юртда ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик бўлса, унинг аjoyиб келажики таъминланган бўлади.

«Жаҳон» АА

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

**Республика Байналмилал маданият марказида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва озоишталлиқни таъминлаш, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортқ миллат ва элат вақиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда истиқомат қилмоқда. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, меҳнат қилиши, саломатлигини мустаҳкамлашга оид ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»-ги Қарорида мувофиқ Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ҳам ушбу айёмга қизгин ҳозирлик қўрилди. Қора-

қалпоғистон Республикаси, барча виллоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, қўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди.

— Наврўз ягона ва аҳил оила саналган Ўзбекистон халқининг бирдамлиги ва аҳиллиги, ҳамжиҳатлигини тараннум этувчи айём сифатида ғоят қадридлир, — дейди поляк миллий маданият маркази раҳбари Олег Скуридин. — Табарруқ диёримиздаги тинчлик, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, жамиятимиздаги озоишталлик, ўзаро меҳр-мурувват, бағрикенглик муҳити бизнинг энг катта бойлигимиздир. Барчамиз орзуқиб кутган ушбу баҳор байрамига марказимиз қошидаги бадий жамоалар ҳам қизгин ҳозирлик кўрди.

Тадбирда санъат усталари, миллий маданият марказларининг бадий жамоалари, ихроҷи ёшлар иштирокида концерт намоиш этилди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

**Маълумки, Наврўз — шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, миллий қадриятларга хос бўлган қадимги байрамлардан бири. Мамлакатимизда ҳам Наврўз байрами барча виллоятлар, шаҳарлар, қишлоқлар, таълим муассасаларида кўтаринки кайфиятда нишонланади.**

Бу йилги Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистонга Озарбойжон Республикасида ташриф буюрган «Айпара» ансамбли «Туркис-то» саройида ўзининг ўзбек санъаткорлари билан ҳамкорликда тузилган концерт дастурини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Тадбирда юртимиз санъаткорларидан ҳушовод хонанда, Озарбойжонда бўлиб ўтган халқаро танловда Гран при соҳибаси бўлган Юлдуз Турдиева, «Нихол» мукофоти соҳибии Исроил Саидумаров, оз-чолғусида яқажон Илхом Абдуллаевлар ўз маҳоратларини намоиш этишди. Юлдуз Турдиева озарбойжон халқ қўшиқларидан «Гарагиз» ва бухороча «Мавриги»дан мусикий композиция, Исроил Саидумаров эса «Райхон»

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

қўшиқларини ижро этиб, муҳлисларда катта таассурот қолдиришди.

«Айпара» ансамблининг яқажон хонандаси Айтжан Махаррамова ижро этган озарбойжон халқ қўшиқлари ва мумтоз «Мугам»лари тингловчиларни тўлқинлантириб юборди. Созандалар Парвиз Фарҳадов, Адалат Бехбудов ижро этган қўшиқ ва куйлар биз ёш созандалар учун маҳорат дарси бўлиб хизмат қилди. Айтжан Махаррамова «Баригал» қўшиғини профес-

**Отабек МИСКИНОВ,  
Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 3-босқич талабаси**

## КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперациянинг биржа-нинг иккинчи босқичида мамлакатимизнинг 1,3 мингдан кўпроқ корхона ва компанияси иштирок этди. Уларнинг мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектидир. Ушбу босқичда улар томонидан 13 минг турдан ортқ маҳсулот намоиш этилди.

Бу галги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржада ҳам қўллаб-янгиллик ва инновациялар тақдим этилади. Мазкур тадбирларга Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йил Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига биноан пухта ҳозирлик қўрилмоқда.

Таъкидлаш керакики, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа доирасида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»-ги Қарори ихросини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ярмаркалари ҳам ўтказилди.

Ушбу ярмаркаларда маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, машинасозлик, электр техникаси, авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартиш масалалари бўйича комплекс корхона-лари, шунингдек, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш, ахборот тизимлари ҳамда телекоммуникация, коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё, металлургия саноати корхоналари иштирок этади.

Биринчи босқич давомида кичик ва йирик корхоналар ўз маҳсулотини намоиш этиш, ишлаб чиқаришга доир техник янгилликлар, ҳамкор тармоқлар ва корхоналар ютуқлари билан танишиш, ишлаб чиқарилаётган материаллар ҳамда бутловчи буюмларга бўлган ақин истикболдаги эҳтиёжни аниқлаш имконига эга бўлади. Худудий тадбирлар нихосига етган, иштирокчилар янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича ўзаро келишиб олишади.

Иккинчи босқичда эса ушбу келишувлар маҳсулот етказиб бериш шартномаларига айлантирилади ва бу ишлаб чиқарувчиларнинг кейинги йилги буюртмалар портфелини ташкил этади. Икки босқич ўртасидаги мудатда корхоналарда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, буюртмачилар билан келишилган ҳолда, ўзлаштирилаётган маҳсулотнинг техник параметрлари талаб даражасига етказилади.

Мухтасар айтганда, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа шартномалари тузиш, янги ҳамкорлар топиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатимиз корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида муҳим восита вазифасини ўтайди.

М.МАМЕТОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ҚАДИМИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ



Зеро, уйғониш ва янгиланиш байрами арафасида энг аввало маҳалалар, кўчалар, хибоблар, табаррук қадамқолар, қабристонлар, ариқлар ва зовурлар тозаланиб, тартибга келтирилади. Ободонлаштириш ва кўҳламзорлаштириш ишлари авжига чиқиб, мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. Хуллас, уйғониб яшилликка бурканаётган табиат юртдошларимиз саъй-ҳаракати билан янада гўзал манзара ҳосил қилиб, ўзгача чирой очади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз байрами катта тантана билан нишонланади. Маданий марказлар, истироҳат боғлари, кўчалар ва сайилгоҳлар одамлар билан ғажумлашиб, байрам шодиёналари ўтказилади. Баҳорий таомлардан сумалак ва халимлар пиширилиб, барчага бирдек улашिलाди.

Худди шундай Наврўз тадбирларидан бири Сергели туманидаги тиббиёт коллежида бўлиб ўтди. Тиббиёт коллежи, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва «Маданият» маҳалласи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда коллеж ўқувчилари ва ўқувчилари, маҳалла фаоллари

ҳамда ёши катта отахону онахонлар иштирок этишди.

— Наврўз халқимизнинг узоқ тарихига эга бўлган миллий байрами ҳисобланади, — дейди Сергели тиббиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мухаббат Назарова. — Наврўз билан бирга ўзбекиона урф-одатларимиз ҳам сақланиб келмоқда. Наврўз байрамида табаррук нурунийларимиз билан бирга ёшларнинг ҳам иштирок этиши байрамнинг бардавомийлигини далолат беради.

Тадбирда коллежнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқич ўқувчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда миллий таомлар танловига иштирок этишди. Фолиблиқни кўлга киритган гуруҳларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўқувчилар томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, миллий халқ уйғунлари, қўй-қўшиқлар ва рақслар барча йигилганларга манзур бўлди.

**Нилуфар ХУДАЙБЕРДИЕВА,  
Сергели тиббиёт коллежи ўқитувчиси  
Ислом Исмоилов  
олган суратлар**



## ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

O'ZBEKISTON  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI

Ўлкамизга хусну тароватини ёйиб  
кириб келган фасллар келинчаги  
баҳорнинг гўзал айёми – Наврўзи  
олам билан азииз  
ҳамшаҳарларимиз, ғайратли  
тадбиркорлар, ишбилармонлар  
ва пойтахтимиз меҳмонларини  
самимий муборакбод этади.

Юртимиз фаровонлиги, дастурхонилиги  
тўқинлиги, иқтисодиётилик рабнақи  
йўлидаги фаолиятинида омад ёр  
бўлишига тилақдошлик.

**“Ташаббус – 2014” кўрик-танловининг иштирокчиларига  
миннатдорчилик билдириб, ғолибларнинг танловнинг  
Республика босқичида намунали иштирок этишига ишонч  
билдириб қоламиз.**

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни баҳор ва янгиланиш байрами – Наврўзи  
олам билан чин қалбдан табриклаймиз.

Сизларга баҳорий кайфият ва мустаҳкам соғлиқ,  
тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз.

Халқимиз турмуши обод бўлиши йўлида олиб  
бораётган ишларингизда омад ва зафарлар  
ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ  
ВА ТИББИЁТ-ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АРХИВИ ЖАМОАСИ

сизларни бетакрор баҳор гўзаллиги  
билан юртимизга кириб келган **Наврўз**  
умумхалқ байрами билан  
самимий муборакбод этади.

Тинчлик ва ободлик рамзи  
– Наврўзи олам муносабати билан  
барчангизга куч-ғайрат, шижоат  
ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.  
Наврўз ила гўзал диёримиз нурга тўлсин!



### ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ) ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ  
сизларни Наврўз байрами билан кутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги янги мuddатли  
омонат турларини тақлиф этади:

#### «Наврўз 2014»

Сақланиш мuddати – 12 ой, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки  
омонат мuddати тугагандан (12 ойдан) сўнг тўлаб берилади.

#### «Баҳор 2014»

Сақланиш мuddати – 1 ой, ҳисобланган фойзлар  
омонат мuddати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва қўлайлигини кафолатлайди.  
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини  
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

#### Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.



Мурожаат учун телефонлар: 120-83-86, 120-83-35

Хизматларнинг мавзуси

### АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

## ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ ЖАМОАСИ

сизларни муборак қадамлари билан  
кириб келган яшариш,

янгиланиш, нафосат ва гўзаллик байрами

— **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан самимий табриклайди.

Юртимизга тинчлик, дастурхонимизга тўқинлик,  
хонадонларга қут-барака тилайди.  
**НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

Тошкент молия институти «Молиявий таҳлил»,  
«Молиявий менежмент», «Информацион-ком-  
муникацион технологиялар», «Жисмоний ма-  
даният ва спорт», «Ҳазначилик иши» кафедралари  
мудир ва қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант):  
«Чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);  
«Бизнес ва тадбиркорлик» доцент, катта ўқитувчи;  
«Молия» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);  
«Лойиҳаларни молиялаштириш» доцент, катта ўқитув-  
чи, ўқитувчи (ассистент); «Минтақавий иқтисоди-  
ёт» доцент; «Банк иши» доцент, катта ўқитув-  
чи, ўқитувчи (ассистент); «Информацион-ком-  
муникацион технологиялар» доцент, катта ўқитув-  
чи, ўқитувчи (ассистент); «Фалсафа ва ўзбекистонда демократик жамият қуриш на-  
зарияси ва амалиёти» доцент, катта ўқитувчи;

«Касбий таълим» доцент, катта ўқитувчи; «Мо-  
лия бозори ва қимматли қоғозлар» доцент,  
катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Жисмо-  
ний маданият ва спорт» катта ўқитувчи; «Банк  
ҳисоби ва аудит» доцент, катта ўқитувчи, ўқитув-  
чи (ассистент); «Молиявий менежмент» про-  
фессор, доцент, катта ўқитувчи; «Молиявий тах-  
лил» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассис-  
тент); «Иқтисодиёт назарияси» доцент, катта  
ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ўзбекистон та-  
рихи» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассис-  
тент); «Олий ва амалий математика» катта  
ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бухгалтерия  
ҳисоби» доцент, катта ўқитувчи; «Аудит» доцент,  
катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш»  
доцент, катта ўқитувчи; «Ҳазначилик иши» до-  
цент, катта ўқитувчи лавозимларига

#### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар  
иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.  
Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-уй, ТМИ ходимлар бўли-  
мига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99  
358-84-08

«Polyace international group» (ИНН 300363348) масъулияти чекланган жамияти  
«BIXI GROUP» (ИНН 301319519) масъулияти  
чекланган жамиятига қўшилаётганлигини  
маълум қиламиз.  
«BIXI GROUP» МЧЖ «Polyace international  
group» МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбу-  
риятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисоб-  
ланади.

#### Аҳоли диққатига!

2014 йил 1 апрелдан электр энергияси учун янги тариф  
ўрнатилди, яъни аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун  
сарф қилинган ҳар бир кВт-соат электр энергиясининг нар-  
хи 131 сўм 40 тийин этиб белгиланди.  
Ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар  
учун эса 65 сўм 70 тийин белгиланди.

«Toshshahar ETK» ОАЖ



## ХУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

«Соғлом бола йили» муносабати билан 2 апрель — «Халқаро болалар китоблари кунин»да юртимиз келажаги бўлмиш болажонларимизнинг маънавий етук, янада соғлом бўлишларидек эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда «Фарзандимга китоб совға қиламан» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Сиз меҳрибон ва азиз ота-оналарни шу кунни мазкур лойиҳада қатнашиб, ўғил-қизларингизга китоблар совға қилишингизни тавсия этамиз. Фарзандларимизнинг Республика болалар кутубхонаси, жойлардаги Ахборот-ресурс марказларига аъзо бўлишлари сизларнинг хайрли ишингиздир.

«Фарзандимга китоб совға қиламан» лойиҳасида фаол иштирок этиб, дилбандларингизнинг дунёдаги энг қимматбахона, содиқ дўст — китоб билан дўстлашларига ўз ҳиссангизни қўшасиз деган умиддамиз.

Тошкент шаҳар  
Маънавият ва маърифат Кенгаши



Тошкентда ҳар йили 2 апрель кунини нишонладиган Бутунжаҳон аутизм муаммоси тўғрисидаги ахборотни тарқатиш кунига бағишланган фотокўргазма ўз ишини бошлади.

«Биз бормиз! Ёлғиз эмасмиз!» шиори остида ўтаётган ушбу кўргазма рамзий аҳамиятга эга. Негаки, Ўзбекистонда ҳар бир болага эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш зарур. Тадбир «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан ташкил этилди.

«Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази васийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Инонотов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-хуна таълими маркази директори У.Салимов, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиева ва бошқалар Президентимиз раҳнаомлигида баркамол авлодни тарбиялаш, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши йўлида барча

шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилинган ҳам ушбу хайрли ишларнинг давомидир.

«Биз бормиз! Ёлғиз эмасмиз!» шиори остида ўтаётган ушбу кўргазма 2013 йилнинг март ойида пойтахтимизда аутизм касаллигига чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг бугунги аҳоли ҳамда истиқболларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг мантиқий давоми бўлди. Кўргазмага ташриф буюрганлар эътиборига тошкентлик фотосарсомларнинг аутизм хасталиги билан касалланган болалар акс эттирилган

саксондан зиёд ишлари ҳавола этилган. Фотокўргазмани ўтказишдан асосий мақсад кенг жамоатчиликка аутизм ва ушбу касалликка чалинган болалар ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат.

Кўргазмани ташкил этишда ота-оналар ҳам фаол қатнашди. Аутизм касаллигидан азият чекаётган тўққиз ёшли Муҳаммадалининг отаси Фарход Ортиқбоев улардан бири.

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, дейди у. — Баркамол авлод тарбиясига қаратилган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Бобур ОБИДОВ,  
ЎЗА мухбири

## ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Наврўз — 2014» Республика бадий кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистондаги ҳунармандларнинг ёғоч, ганч ўймакорлиги, манзарали кулолчилик, миниатюра асарлари ўрин эгаллаган.

### Кўргазмалар

## МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК НАМУНАЛАРИ НАМОЙИШИ

Маълумки, Ўзбекистонда халқ амалий санъати, ҳунармандчилик асрлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келган. Марказий кўргазмалар залида юртимиз халқ усталарининг бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этадиган наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва заргарлик, миллий ҳунармандчилик йўналишидаги ишларидан нақшли дўтор, панжара, нақшли олти ва саккиз қиррали қутилар, ганчдан ишланган паннолар, манзарали кулолчилик санъати ҳамда миниатюра санъати намуналари ўрин олган.

Марказий кўргазмалар залида шунингдек, «Ипак мозаикаси» номли оилавий кўргазма ҳам очилди. Кўргазма экспозициясидан амалий санъатнинг янги тури бўлмиш гобелен йўналишида яратилган асарлар ҳам ўрин олган. Оилавий кўргазманинг ижодкорларидан Владимир Пучковский 1950 йилда туғилган. Фарғона давлат педагогика институтини тахсил олган. Фарғона шаҳрининг расомлар фондида ишлаган. У Республика миқёсидаги ва халқаро кўргазмаларда қатнашган.

Светлана Шихова 1965 йилда туғилган. Фарғона шаҳрининг расомлар фондида ишлаган. Гобелен йўналишида ижод қилади. Республика миқёсидаги ва халқаро кўргазмалар қатнашчиси. Муаллиф инновацион ишлаб чиқариш бўйича ишлайди.

Яна Пучковская 1993 йилда туғилган. 2012 йили Фарғона санъат коллежини тугатган. «Келажақ овози» танловининг вилоят ва Республика босқичлари ғолибаси. Ҳозирги кунда К. Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтининг талабаси. Кўргазмада ҳар уччала муаллифнинг «Дарвиш», «Қовун сотувчи», «Дўппи», «Ипак мозаикаси» каби асарлари ҳам ўрин олган.

Кўргазма жорий йилнинг 15 апрелигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

2014 йил 1 апрелдан табиий газ учун аввал тасдиқланган тарифлар (2013 йил 16 сентябрда тасдиқланган 19-03-22-05-ПУз-114-2013 сонли реестр) ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2014 йил 17 мартда тасдиқланган №19-03-22-05-ПУз-10-2014 реестрига асосан янги тарифлар жорий қилинади.

#### Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу Нархнома тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi аҳолига бериладиган табиий газга тааллуқли.

2. Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг миқдорда белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчида икки ёки ундан ортиқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситтич-

лар мавжуд бўлса, ушбу газ асбоблари учун газ сарфи меъёри икки ёки ундан ортиқ бараварга оширилади.

4. Хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли томонидан фойдаланилган газ учун тўлов газ ҳисоблагичлар кўрсаткичи ва ушбу нархномада кўрсатилган тариф бўйича амалга оширилади.

5. Табиий газдан фойдаланиш учун тўлов миқдорларини белгилашда хонадонда барча яшовчилар, шу жумладан вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситиладиган хоналарга иситиш асбоби (иситиш юзаси жойлашган) жойдан қатъи назар барча фойдали майдон кирди: хоналар, ванналар, ошхоналар, ушбу иситиладиган майдондан ташқари (айвонлар, деразали балкони ва бошқа қўшимча қурилишлар).

7. Нархноманинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёрла-

рини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

8. Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автоном) сув иситтичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ ҳажми газ асбобининг тўла (максимал) қувватда (24 соат) ишлайдиган иш тартиби ва шартнома билан белгиланган иситиш даври бўйича аниқланади.

9. Ушбу Нархноманинг «Умумий кўрсатмалари» келгусидаги барча қўшимча нархномаларга тааллуқли, агарда қўшимча кўрсатмаларда бўлак ҳолатлар баён қилинмаган бўлса.

**Эслатма: Аҳоли газ истеъмолчилари томонидан 2014 йил 1 апрелгача сарфланган газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2014 йил 10 апрелгача эски тариф (10 м. куб – 1517,40 сўм) ҳисобида олинади. 2014 йилнинг 1 апрелидан бошлаб сарфланган газ ҳақи янги тариф бўйича амалга оширилади.**

**Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи:**

2014 йил 1 апрелдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-ПУз-11-2014

| Улчов бирлиги                                                | Улгуржи нарх, қўшимча қўйимат солиғи (ҚҚС) билан (сўм) |
|--------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|
| Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи | 1000 м.куб 165 240                                     |

**Иссиқлик манбаи корхоналари учун табиий газ нархи:**  
2014 йил 1 апрелдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-ПУз-11-2014

| Улчов бирлиги                                                           | Улгуржи нарх, қўшимча қўйимат солиғи (ҚҚС) билан (сўм) |
|-------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|
| «Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нархи | 1000 м. куб 165 240                                    |

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали

### «101»

## ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗДИР

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳрида янгидан янги савдо-саноат тармоқлари, маъмурий-маданий турар жойлар қурилиб фойдаланишга топшириляпти. Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида моддий неъмат яратиш, маданий турмуш даражасининг ўсишига эътибор кучайтирилмоқда.

Яратилган моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнғин офатларидан ҳимоялаш ҳам шу куннинг муҳим долзарб вазифаларидан биридир.

Шубҳасиз, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда кенг омма иштирокнинг фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда бу борда олиб бориладиган барча амалий ҳаракатлар юқори самара беради. Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар жамоаларида бўлгани каби айниқса, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари билан мустақам ҳамкорликни кучайтириш асосий вазифалардан биридир.

Максуд АДИЛОВ,  
Сергели тумани ёнғиндан муҳофаза қилувчи  
5-ХЕХО 9-ХЕХК смена бошлиғи, капитан

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧК очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 24 апрель кунини соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-ўйда, бошланғич нархи босқич-босқич оқиб бериш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мол-мулклар қўйилмоқда:

1. 2010 йил 30 июнь кунини ижро варақасига асосан хатланган, Харбий қисмда сақланаётган, 1991 йилда и/ч дав. бел. 11 G 8211 бўлган «Маз-35337» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 294 449 сўм. 2. 2009 йил 21 август кунини 2-504/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1988 йилда и/ч дав. бел. 10 AZ 071 бўлган «Камаз-53212» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 276 535 сўм. 3. Миробод туман СИБ томонидан, «Срасе Arsenal Service» МЧК жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2014 йил 20 феврал кунини 5668/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 000 000 сўм. 2. 2014 йил 28 февраль кунини 7623/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 L 092 NA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 998 524 сўм. 3. 2014 йил 22 январь кунини 2264/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 O 598 OA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 000 000 сўм. 4. 2014 йил 22 январь кунини 2273/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 46 FA бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 916 900 сўм. 5. 2014 йил 22 январь кунини 2263/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 N 045 NA бўлган «Ваз 2103» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 203 сўм.

2014 йил 8 апрель кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 30 октябрь кунини 36235/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Срасе Arsenal Service» МЧК жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 719 830 сўм. 2. 2012 йил 19 ноябрь кунини 36608-09/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бектемир тумани, Олтинтоғ кўчаси, 4-ўйда сақланаётган, 1994 йилда и/ч дав. бел. 30 U 0013 бўлган «Volvo FH12 тга» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 168 507 сўм. 3. Утепа туман СИБ томонидан, 2012 йил 13 декабрь кунини 1-3923/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ АХБда сақланаётган, 1988 йилда и/ч дав. бел. 30 S 1652 бўлган «Даймер Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 800 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижроҳиёти бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланганига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтаилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧКнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-ўй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан юридик шахс — Қўшбеги кўчаси, 6-ўйда жойлашган «Тошкент тўқимачилик комбинати» ОАЖга берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида

26 мартда ҳаво ўзгариб туради, кеча бориб ёғиш ёғиши мумкин. Фаробан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража илқ, кундузи — 13-15

даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиши. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдорли паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
14170 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ